

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 19 сентябрь, № 185 (5605) Чоршанба


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 12 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Прокуратура тўғрисида»**ги 746—XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257—II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9—10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда) **28-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**саккизинчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«дастлабки тергов муддатини узайтиради, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ва айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади»;

**ўн иккинчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунда назарда тутилган ҳолларда тергов ҳаракатлари олиб борилишига санкция беради, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида, айбланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради; амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Судлар тўғрисида»**ги 924—XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162—II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1—2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда) **37-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди қонун билан унинг ваколатлари доирасига берилган жиноят ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, шунингдек қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги, айбланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ёхуд айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақидаги, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5—6, 153-модда, № 7—8, 217-модда; 2001 йил, № 1—2, 11, 23-моддалар, № 9—10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **15-модданинг матнидаги** «Суд, прокурор» деган сўзлар «Прокурор» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **29-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суднинг ваколатларига: қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда кўриб чиқиш; айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш; прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш; жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш; ишни апелляция, кассация, назорат тартибида кўриб чиқиш; ҳукмни ижро эттириш киради»;

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

*Тошкентда 12 — 14 сентябрь кунлари «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Қуйида халқаро анжуманнинг секциялар мажлисларида хорижий иштирокчилар томонидан билдирилган фикрлар билан танишасиз.*

## ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАМОҚДА

**Петко ДРАГАНОВ, ЮНКТАД Бош котиби ўринбосари (БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси):**

— Дунёнинг кўплаб давлатларида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган ва тикланиш жараёни суст кечаётган бир пайтда Ўзбекистон сўнгги етти йилда иқтисодий ўсиш суръатлари йилига ўртача 8-8,5 фоизни ташкил қилган камсонли мамлакатлардан бири эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, ЮНКТАДнинг Жаҳон инвестициялари тўғрисидаги охирги маърузасида Ўзбекистон иқтисодиёти ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар орасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга муваффақ бўлаётган етакчи ўн бир давлат гуруҳидан жой олгани қайд этилган.

Ўзбекистон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда салмоқли ютуқларга эришмоқда. 2011 йили қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тадбиркорлар учун янада қулай шарт-шароитларни яратишда муҳим омил бўлди.

Меъёрий-ҳуқуқий соҳани изчил ислоҳ этиш, Президент Ислом Каримов томонидан 2012 йил июль ойида имзоланган фармонлар шулар жумласидан бўлиб, улар Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини янада изчиллик билан эркинлаштиришга хизмат қилмоқда.

**Майкл ТОМАС, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши ҳамраисининг ўринбосари (Буюк Британия):**

— Ушбу форум барча қатнашчиларда унутилмас таассурот қолдирди. Мен Ўзбекистон ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлдим. Ўзбекистон нафақат нефть ва газ ишлаб чиқарувчи, балки биринчи навбатда, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган хусусий сектор корхоналари, компаниялар мамлакати эканига тўла ишонч ҳосил қилдик. Демак, бу маҳаллий хом ашёни қайта ишлашда қўшимча қиймат занжирини яратиш имконини беради.

Ўзбекистоннинг бой тажрибасини илгарироқ ўрганишимиз зарур эди. Ўзбекистон эришаётган бундай юксак ўсиш суръатларига Европада ҳавас қилишади. Сизлардан ўрнак олса арзийдиган жиҳатлар кўп экан.

Ҳатто, глобал инқироз шароитида ҳам Ўзбекистоннинг тижорат банклари юқори капиталлашув даражасига эга, уларнинг балансы ҳам жуда кучли ва бу ҳайратланарли самаралардир.

(Давоми 3-бетда).

## Ишончли шерик ва дўстлар мулоқоти

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Сеулга давлат ташрифи арафасида Корея Республикасининг Тошкентдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.*

— Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган кундан буён Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси яқин ҳамкорлик қилиши баробарида, халқаро ташкилотлар доирасида бири-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Жумладан, 2015 йили Еттинчи халқаро Сув форуми ҳамда 2018 йили қишки Олимпиада ўйинлари Корея Республикасида ўтказилишини Ўзбекистон расман қўллаб-қувватлади.

Савдо-иқтисодий, сармоявий ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик кенгайишининг барқарор тамойили — икки томонлама муносабатлар ривожланишининг муҳим натижаларидан биридир. Бу йўналишдаги энг муҳим лойиҳа, менинг назаримда, Сурғил кони негизида Устюрт газ ва кимё мажмуаси қурилиши лойиҳаси ҳисобланади. Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг 2011 йили Ўзбекистонга буюрган давлат ташрифи кўлами ҳамда жалб қилинадиган янги технологиялар жиҳатидан мисли кўрилмаган мазкур лойиҳа рўёбини жадаллаштирди.

2012 йилнинг май ойида "Уз-Кор Газ Кемикал" қўшма корхонаси ва кредиторлар консорциуми ўртасида Сурғил лойиҳасини молиялаштириш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш юзасидан кредит ва лойиҳавий битимлар пакети имзоланди. Ишончим комилки, мамлакатингизда нефть-газ ва газ-кимё тармоқлари ривожланиши янги босқичга кўтарилмоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият кўрсатадиган хорижий компаниялар сони изчил равишда кўпайишига ҳам аминман.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юраги ҳисобланадики, бу ерда жаҳондаги кўп сонли корейс диаспораларидан бири истиқомат қилади. Узоқ йиллар давомида корейс миллати вакиллари кўҳна ўлкада жойлашган барча миллат ва элатлар учун яратилган мутлақо тенглик шароитида турли соҳаларда салмоқли муваффақиятларга эришгани ҳолда яшаб келади. Улар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларда мавжуд бўлган бой салоҳиятнинг ўзлаштирилишида, ҳақиқатан ҳам, муҳим кўприк бўлдилар.

Умидворманки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига бўлажак давлат ташрифи барча соҳалардаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва кенгайтиришга хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**

## Тиббиётимиз ютуқлари намойиши

*Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида "PharmMedExpo — 2012" VIII Халқаро ихтисослаштирилган тиббиёт кўргазмаси иш бошлади. Мазкур тадбир "ZarExpo" миллий кўргазма компанияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзфармсаноат" ДАК, "Дори-Дармон" АК ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Кўргазманинг очилишида тиббиёт соҳаси ходимлари, юртимиз ва хорижда фаолият кўрсатаётган қатор йирик компаниялар мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.*



«PharmMedExpo — 2012»

Тадбирда таъкидланганидек, бугун юртимиз соғлиқни сақлаш тизими ривожи йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Зеро, ҳозирги кунда мамлакатимиз шифо масканларида хасталикка тезкор ва аниқ ташхис қўйиш ҳамда самарали муолажа усулларини қўллаш учун барча имконият мавжуд эканлиги бунинг тасдиғидир.

...Кўргазмага қўйилган тиббий ташхис ва муолажа ускуналари, шифобахш гиёҳлар, дори-дармон, косметология ҳамда санитария-гигиена воситаларини замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқлари намунаси, дейишимиз мумкин. Бинобарин, ушбу нуфузли халқаро тадбирда маҳаллий фирма ва компаниялардан ташқари, Италия, Индонезия, Россия, Покистон, Ҳиндистон, Украина каби мамлакатларнинг жаҳонга машҳур ишлаб чиқарувчилари ҳам ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

— Бугунги кунда маҳсулотларимиз жаҳондаги ўттиздан ортиқ мамлакатларга экспорт қилинмоқда, — дейди "Frontier Dextrose LTD" (Покистон) компанияси менежери Саид Ахтар. — Айниқса, "Steri oflox" номли янги дори воситаси ҳозир жуда ҳам харидоргир. Капсулаларни эритишда ишлатиладиган мазкур дори юқори ҳароратда стирилланган идишларга қадоқланганлиги боис юксак сифат кўрсаткичига эгадир. Юртингизда ҳам кўпчилик ушбу препаратни ишлаб чиқариш технологияси билан қизиқмоқда. Кўргазманинг илк куниданоқ кўплаб ҳамкорлар орттиришга улгурдик. Яқин келажакда Ўзбекистонда дистрибьюторлик фаолиятимизни бошлаш ниятидамиз.

(Давоми 4-бетда).

Парламент ҳаёти

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Парламент комиссияси аъзолари, Адлия ҳамда Молия вазирликлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.*

## Сертификатлар топширилди

Мамлакатмизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларини бажаришда уларнинг фаол иштироки таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан ўтказиб келинаётган грант танловларининг йўналишлари ва мавзулари кўлами кенгайиб бораётганлиги, жойларда давлат ҳокимияти органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида самарали шерикликни янада чуқурлаштиришда қўллаб-қувватланаётган лойиҳалар муҳим аҳамиятга эга бўлаяпти.

Сўнгги йилларда Жамоат фонди томонидан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларнинг сифатини янада яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш, "учинчи сектор"нинг молиявий, ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, тақдим этилган лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини ўрганиш натижалари асосида ННТ ва фуқаролик жамияти институтларига таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Бу каби таклиф ва тавсиялар грант сертификатларини топшириш жараёнида ташкил этилаётган ўқув семинарларда "учинчи сектор" вакилларига етказилаётир.

(Давоми 3-бетда).

## ҲУЛКАР — ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ



*Тошкент давлат шарқшунослик институти битирувчиси Ҳулкар Эрдонова Жанубий Корея пойтахти Сеулда ўтган "Кореяни билиш танлови"да биринчи ўринни эгаллади.*

Хушхабар

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг чуқур билим олиши учун улкан эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Буни ўзбекистонлик талабаларнинг юксак интеллектуал салоҳияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 20 йил тўлди. Шу йиллар давомида мамлакатларимизнинг дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳалардаги муносабатлари янада мустаҳкамланди. Корейс тили ва маданиятини билиш бўйича халқаро танловнинг саралаш босқичлари мамлакатимизда ҳам ўтказилгани яқин ҳамкорлигимизнинг яна бир далолатидир.

Мазкур танлов Корея Республикаси Ташқи ишлар ва савдо вазирлиги, Кореянинг "KBS" телекомпанияси ва "Korea Foundation" гуманитар ташкилоти томонидан хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртлари талабалари учун ҳар йили ўтказиб келинмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3) **36-модданинг**:

**биринчи қисми** «ушбу Кодекснинг 240-моддасига мувофиқ бекор қилиш ёки ўзгартиришга» деган сўзлардан кейин «айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида илтимосномалар беришга, шунингдек мазкур процессуал мажбурлов чораларини ушбу Кодексда белгиланган тартибда бекор қилишга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми** «қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлардан кейин «айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **217-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирувчи, терговчи, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш тарзидаги, суд эса қамоққа олиш ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаганида, бу ҳақда йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек бу ҳақда иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши шарт»;

5) **220-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кейинги ҳолатда ушлаб туришга фақат суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан йўл қўйилади»;

6) **227-модданинг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**227-модда. Суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан ушлаб туриш**

Ушлаб туриш, гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарори асосида милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими ушланган шахсни ушбу Кодекснинг 224-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда энг яқин милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга дарҳол олиб бориши шарт. Амалга оширилган ушлаб туриш тўғрисида ушлаб туриш ҳақида қарор чиқарган ваколатли шахс дарҳол хабардор қилиниши лозим»;

7) **255 — 259-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**255-модда. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш асослари ва муддатлари**

Башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга тўсқинлик қилади ёхуд жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, улар лавозимидан четлаштирилиши мумкин.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги масала ушбу бобда белгиланган тартибда, судланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақидаги масала эса ушбу Кодекснинг 423, 438-моддаларида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш учун асос бўлган ҳолатлар бекор бўлгунига қадар ўтган вақт мобайнида қўлланилади.

Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси қарор чиқарган судни албатта хабардор этган ҳолда терговчи, прокурор, суд томонидан бекор қилинади.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш рад қилинган ёки у бекор қилинган тақдирда, айнан ўша айбланувчига нисбатан мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга лавозимдан четлаштириш учун асос бўладиган янги ҳолатлар юзага келганда йўл қўйилади.

**256-модда. Ишни судга қадар юритиш босқичида айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш**

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш учун асослар мавжуд бўлганда прокурор, терговчи айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда қарор чиқаради.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда: лавозимидан четлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг иш жойи; лавозимдан четлаштириш асослари кўрсатилади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Терговчининг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарори ва зарур материаллар прокурорга юборилади.

Прокурор айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юборади.

**257-модда. Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш**

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Суд мажлисида прокурор, айбланувчи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи ва қонуний вакил иштирок этади. Зарур бўлганда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланади, у мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Сўнгра айбланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

**258-модда. Суд ажрими**

Судья айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида ёки айбланувчини лавозимидан четлаштиришни рад қилиш ҳақида ажрим чиқаради.

Судьянинг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажримида: лавозимидан четлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг иш жойи; лавозимдан четлаштириш асослари; айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига қўйиладиган талаб кўрсатилади.

Судьянинг айбланувчини лавозимидан четлаштиришни рад қилиш ҳақидаги ажрими асослантирилган бўлиши керак.

Судьянинг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Ажрим тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига ижро учун, прокурорга, айбланувчига, ҳимоячига эса маълумот учун юборилади.

Судьянинг ушбу модда биринчи қисмида назарда тутилган ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили, лавозимидан четлаштирилган айбланувчи ишлаган тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан апелляция тартибида шикоят берилиши ёхуд прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажримни чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд қирқ саккиз соат ичида уларни материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Шикоят ёки протест бериш суднинг айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрими ижросини тўхтатиб қўймайди. Апелляция инстанцияси суди ушбу материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилиш ва айбланувчига нисбатан лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашга ёки мазкур процессуал мажбурлов чорасини бекор қилишга ҳақли.

**259-модда. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажримни ижро этиш**

Суднинг айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги ажрими корхона, муассаса, ташкилот раҳбари учун мажбурий бўлиб, раҳбар ажримни олиши билан дарҳол уни ижро этиши ҳамда бу ҳақда терговчини, прокурорни ва судни хабардор қилиши шарт»;

8) **265 — 269-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**265-модда. Суд экспертизасини ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари ва муддатлари**

Агар суд-тиббиёт ёки суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда айбланувчини, судланувчини стационар кўрикдан ўтказиш зарурати вужудга келса, улар тегишли тиббий муассасага жойлаштирилиши мумкин.

Руҳий ҳолати айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно этадиган гумон қилинувчи ҳам, агар айнан унинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлигига етарлича далиллар мавжуд бўлса, экспертиза ўтказиш учун тиббий психиатрия муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

Агар шахснинг гумон қилинувчи тариқасида бўлиши муддати стационар суд-психиатрия экспертизаси тамом бўлгунига қадар тугаса, унинг руҳий ҳолати имкон берса, унга айблов эълон қилиш ёки уни тиббий психиатрия муассасасидан озод қилиш ёхуд уни тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс тариқасида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқариш зарур.

Жабрланувчилар ва гувоҳлар тегишли суд экспертизасини ўтказиш учун тиббий муассасага мажбурий жойлаштирилиши мумкин эмас, улар гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлигини фош қилаётган ва улар берган кўрсатувларнинг ишончлилигини текширишнинг бошқа имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Ишни судга қадар юритиш босқичида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги масала ушбу бобда белгиланган тартибда, судланувчини тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги масала эса ушбу Кодекснинг 423, 438-моддаларида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Шахс тиббий муассасага кўпи билан бир ой муддатга жойлаштирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, шифокорларнинг стационар суд экспертизасини ўтказиш давомида олинган хулосасига асосан, бу муддат суд томонидан фақат айбланувчи ва судланувчига нисбатан бир ойгача узайтирилиши мумкин. Айбланувчининг ишни судга қадар юритиш босқичида тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш суд томонидан прокурорнинг ушбу бобда белгиланган тартибда киритилган илтимосномасига биноан, судланувчининг тиббий муассасада бўлиш муддатини узайтириш эса ушбу Кодекснинг 423, 438-моддаларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчи тиббий муассасада бўлишининг белгиланган муддати тугашидан камида олти сутка олдин тегишли прокурор томонидан киритилади.

Айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс тиббий муассасага жойлаштирилаётганда, агар бу муассаса қамоққа олинганларни сақлаш учун мослаштирилган бўлса, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланиши мумкин. Бошқа ҳолда мазкур эҳтиёт чораси бекор қилиниши ёки енгилроғи билан алмаштирилиши керак.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг тиббий муассасада бўлган вақти қамоқда сақлаш муддатига қўшиб ҳисобланади.

**266-модда. Ишни судга қадар юритиш босқичида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш**

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш учун асослар мавжуд бўлганда прокурор, терговчи шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда қарор чиқаради.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда: тиббий муассасага жойлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар ва унинг процессуал ҳолати; шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари; шахс жойлаштириладиган тиббий муассасанинг номи; эҳтиёт чораси тўғрисида таклиф этилаётган қарор кўрсатилади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Терговчининг шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарори ва зарур материаллар прокурорга юборилади.

Прокурор шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юборади.

**267-модда. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиш**

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ичида кўриб чиқилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, ҳимоячи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ўзига нисбатан экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш масаласи кўриб чиқилаётган шахсларнинг манфаатларини ифодаловчи жабрланувчининг вакили, гувоҳнинг адвокати, қонуний вакиллар иштирокида кўриб чиқилади. Тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, агар унинг соғлиғи имкон берса, суд мажлисида қатнашишга ҳақли. Зарур ҳолларда терговчи судга чақирилиши мумкин.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланади, у мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Сўнгра тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома дастлабки тергов юритилаётган жойда ёки тиббий муассаса жойлашган ерда, ушбу моддада назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослилигини, шунингдек процессуал нормаларга ва талабларга риоя этилганлигини ҳисобга олади.

**268-модда. Суд ажрими**

Судья шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштиришни рад қилиш ҳақида ажрим чиқаради.

Суднинг шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ажримида: тиббий муассасага жойлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар; унинг процессуал ҳолати; шахс жойлаштирилаётган тиббий муассасанинг номи; шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари; эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор, зарур ҳолларда эса, шахсни мазкур муассасага кўчириш тўғрисидаги фармойиш кўрсатилади.

Судья айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақида ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ушбу модданинг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган суд ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Ажрим ижро учун прокурорга, маълумот учун эса ҳимоячига, жабрланувчининг вакилига, гувоҳнинг адвокатига, қонуний вакилга юборилади.

Ушбу модданинг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган суд ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, унинг ҳимоячиси, жабрланувчининг вакили, гувоҳнинг адвокати ва қонуний вакил томонидан апелляция тартибида шикоят берилиши ёхуд прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажрим чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд уларни қирқ саккиз соат ичида материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Шикоят ёки протест берилиши суд ажримининг ижросини тўхтатиб қўймайди. Апелляция инстанцияси суди ушбу материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашга ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтиришга ёхуд мазкур процессуал мажбурлов чорасини бекор қилишга ҳақли.

**269-модда. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш**

Стационар суд-тиббий ёки суд-психиатрия экспертизаси хулосасини олганидан сўнг прокурор, терговчи қарор чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш ҳақида қарор чиқаради.

Суд экспертизаси натижаларига кўра шахс ақли норасо деб эътироф этилганда унинг тиббий муассасада бундан буён бўлиши тўғрисидаги масала ушбу Кодекснинг 61-боби нормаларига мувофиқ ҳал этилади, жабрланувчи, гувоҳ ақли норасо деб эътироф этилган ёки шахснинг психиатрия ёрдами кўрсатиш талаб этиладиган бошқа турдаги руҳий касаллиги аниқланган ҳолларда эса, қонун ҳужжатларига мувофиқ умумий асосларда ҳал этилади»;

9) **273-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар процесс иштирокчисининг одил судловга қарши жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилишига асослар суд муҳокамасида ёки иш апелляция, кассация ёхуд назорат тартибида кўриб чиқилаётганда аниқланган бўлса, унда суд жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади»;

10) **321-модданинг матнидаги** «ва суд» деган сўзлар «ўз ваколатлари доирасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **322-модда биринчи қисмининг 4-бандидаги** «прокурор ёки суднинг» деган сўзлар «прокурорнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

12) **328-модданинг 4** ва **5-бандлари** чиқариб ташлансин;

13) **330-модданинг биринчи хатбошисидаги** «терговчи, прокурор ёки суд» деган сўзлар «терговчи ёки прокурор» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **331-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «суд эса ажрим» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарорда: ишни қўзғатиш сабаблари ва асослари; Жиноят кодексининг жиноят иши қўзғатилган жиноятни назарда тутувчи моддаси; бундан буён ишни ўз юритувига олувчи мансабдор шахс кўрсатилади.

Суриштирувчи, терговчи жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхасини ушбу ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади»;

15) **333-модданинг биринчи қисмидаги** «суд эса ажрим», «ёки ажрим», «ёки суд» ва «ёхуд ажримнинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

16) **334-модданинг биринчи қисмидаги** «терговчи, прокурор ёки суд» деган сўзлар «терговчи ёки прокурор» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **336-модданинг**:

**биринчи хатбошисидаги** «ёки ажрим» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**1-банди** чиқариб ташлансин;

18) **337-модданинг**:

**2-банди ўзбекча матни** «ҳақлидир» деган сўз билан тўлдирилсин;

**3-банди** чиқариб ташлансин;

19) **374-модданинг**:

**учинчи қисми 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) эҳтиёт чораларини, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини, шунингдек фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини бекор қилиш тўғрисидаги»;

**бешинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**олтинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин;

20) **382-модданинг учинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради ёхуд айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади»;

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

**олтинчи — ўн тўртинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**ўнинчи хатбошисидаги** «айбланувчини лавозимидан четлаштиришга ва» деган сўзлар «шунингдек» деган сўз билан алмаштирилсин;

21) **416** ва **417-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**416-модда. Судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун асослар аниқланганда суднинг ҳаракатлари**

Агар суд тергови вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд янги айблов бўйича жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади.

Янги айблов дастлабки айблов билан узвий боғлиқ бўлган ва уларни айрим-айрим ҳолда кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда бутун иш қўшимча тергов юритиш учун қайтарилиши лозим.

**417-модда. Жиноий жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланганда суднинг ҳаракатлари**

Агар суд тергови вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади.

Тахмин қилинаётган жиноят кўрилаётган иш билан узвий боғлиқ бўлган ва бу ишларни айрим-айрим ҳолда кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда, суд бутун ишни қўшимча тергов юритиш учун юборади.

Агар суд тергови вақтида била туриб ёлғон кўрсатув берган гувоҳ, жабрланувчи ёки била туриб нотўғри хулоса берган эксперт ёхуд била туриб нотўғри таржима қилган таржимон томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд ҳукм чиқарганидан сўнг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади»;

22) **423-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят ишини қўшимча тергов ўтказиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги, ишни тугатиш ёки тўхтатиш ҳақидаги, эҳтиёт чораларини қўллаш (ўзгартириш, бекор қилиш) тўғрисидаги, айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги, айбланувчининг, судланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш ҳақидаги, рад қилишлар тўғрисидаги ажримларни, шунингдек хусусий ажримларни суд алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқаради»;

23) **439-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Раислик қилувчи суд тергови бошланиши тўғрисида эълон қилади. Суд тергови айблов хулосасининг хулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни давлат айбловчиси томонидан ўқиб эшиттиришдан бошланади. Раислик қилувчи судланувчидан айбловнинг моҳияти унга тушунарли ёки тушунарсиз эканлигини ва ўз айбига иқрорлиги ёки иқрор эмаслигини сўрайди»;

24) **457-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **16-банд** билан тўлдирилсин:

«16) судланувчига нисбатан лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш керакми»;

25) **471-модданинг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш тўғрисида ушбу Кодекснинг 255—260-моддаларига мувофиқ қабул қилинган қарор; қўзғатилган фуқаровий даъво ёки суднинг ташаббуси билан зиённи қоплаш тўғрисида ушбу Кодекснинг 283—289-моддаларига мувофиқ қабул қилинган қарор»;

26) **473-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «ҳукмни эълон қилади» деган сўзлар «ҳукмнинг қарор қисмини эълон қилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ҳукм судланувчи билмайдиган ёки етарлича билмайдиган тилда баён қилинган бўлса, ҳукмнинг қарор қисми эълон қилингандан кейин, мазкур қисм таржимон томонидан судланувчининг она тилида ёки у тушунадиган бошқа тилда ўқиб эшиттирилиши керак».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, № 1—2, 11-модда; 2004 йил, № 1—2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 4, 185-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 332-модда; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 335-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда) **19-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суд фуқаролик ишини кўраётганида тарафларнинг ёки бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 478—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда; 2001 йил, № 1—2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9—10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 373-модда; 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 9, 490-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 6, 231-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда) **152-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суд хўжалик низосини кўраётганида шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади».

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 18 сентябрь
№ ЎРҚ—335

# ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Жамолуддин ҲУСАЙН, Purdue университетининг кичик бизнес институти директори (Индиана штати), Америка тадбиркорлик ва ривожланиш фонди президенти (АҚШ):**

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Илгари айрим хорижий муаллифлар томонидан ёзилган мақолаларни ўқиб, менда Ўзбекистон иқтисодий ривожланишдан анча ортда қолаётгани ҳақида тасаввур пайдо бўлган эди. Ўзбекистон ҳам мен бориб кўрган Тожикистон каби секин ривожланмоқда, деб ўйлардим. Бироқ Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларида амалга оширилаётган ўзгаришларни кўриб ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжумандаги нутқини эшитганимдан сўнг, фикрим мутлақо ўзгарди. Ўзбекистон тўғри йўлдан изчил бормоқда ва бу таҳсинга сазовордир.

Мен ўз нутқимни олдиндан ёзиб келгандим. Аммо энди маърузам ўз долзарблигини йўқотгани сабабли ундан тўла воз кечишга мажбур бўлдим. Ҳозир маърузам бутунлай янгидан ёзилди.

**Ким Юн СЕК, «Шиндонг энерком» компанияси раиси (Корея Республикаси):**

— Ўзбекистон 1991 йил мустақилликни қўлга киритганидан буён «Янги уйни қурмасдан эскисини бузма» деган пурмаъно сўзларга асосланган эркин бозор иқтисодиётини барпо этиш сиёсатини изчиллик билан амалга оширмоқда. Бошқача айтганда, иқтисодий ривожланишга эришишнинг инқилобий йўлидан кўра, тадрижий йўлини танлади.

Бу сиёсат Президент Жаноби Олийлари Ислом Каримовнинг ажойиб лидерлик фазилатлари самарасида муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу эса Ўзбекистонда миллий бирликни сақлаш, кескин ўзгаришларсиз барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов профессионал иқтисодчи сифатида социалистик режали иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги туб ўзгаришларнинг юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини олдиндан кўра билди. Ўзбекистон раҳбари бу борада ўзига хос ривожланиш моделини ишлаб чиқди ва уни самарали амалга оширди.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш принциплари ва стратегиясининг афзаллигини кўрсатиб берди. Ўзбекистон бу борада улкан ютуқларга эришди. Негаки, Ўзбекистонда сунъий равишда шиширилган «иқтисодий пуфакчалар» бўлмагани боис, инқироз бошқа давлатлардаги каби мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсата олмади. Шу сабабли, бошқа мамлакатлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самараларга бугун катта қизиқиш билдирмоқда. Бу 2009 ва 2010 йилларда Ўзбекистонда ўтказилган халқаро конференцияларда ҳам алоҳида қайд этилди.

**Пракаш КЕЖРИВАЛ, «Indorama Group» компанияси вице-президенти (Сингапур):**

— Ўзбекистон мустақилликка эришиб, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўта бошлаганида кичик бизнесни ривожлантириш учун на тажрибаси, на капитали ва на технологиялари бор эди. Шу сабабли катта таваккалчиликлар қилишга тўғри келган эди.

Пухта ўйланган ва фаол инвестиция сиёсати Ўзбекистонга иқтисодиёт реал секторига катта хорижий инвестицияларни жалб қилиш имконини берди. Ушбу инвестициялар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириб, иқтисодиётни ривожлантиришни янада жадаллаштиришда муҳим омил бўлди.

Компаниямиз қисқа муддат ичида Ўзбекистон тўқимачилик саноатига 45 миллион доллардан ортиқ маблағ киритиб, Марказий Осиёда ягона бўлган жаҳон талабларига мос энг замонавий ускуналарни ўрнатгани хорижий инвесторларнинг Президент Ислом Каримов юритаётган сиёсатга юксак ишончидан далолатдир.

**Рокко АБРАМ, «Ўзбекистон — Италия» ассоциацияси президенти (Италия):**

— Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг кўрсаткичлари йилдан-йилга ошиб бораётгани мамлакатингиз раҳбарияти қабул қилаётган қарорлари қанчалик самарали натижалар бераётганининг далилидир.

Илгари Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий чора-тадбирлар бир неча марта танқид остига олинган эди. Бироқ шуниси қувонарлики, Президент Ислом Каримов халқаро майдонда сохта шуҳрат қозонишдан кўра, Ўзбекистон халқининг фаровонлигини ошириш ҳақида кўпроқ қайғурмоқда.

Мамлакатингизда кутилганидан кўра олдинроқ юксак натижаларга эришилди. Глобал инқироз барча мамлакатлардаги реал вазиятни кўрсатиб берди. Иқтисодий инқироз тобора чуқурлашиб бораётгани учун аксарият мамлакатларнинг халқаро майдонда ўзининг ҳақиқий аҳволини намойиш этиши қийинлашмоқда. Ушбу ҳолатда Ўзбекистоннинг пухта ўйланган ва самарали саъй-ҳаракатлари, пировард натижада, тўғри бўлиб чиқди. Мамлакатингизда иқтисодиётни ислоҳ этиш ва эркинлаштириш жараёнлари саросимага тушиш, айрим одамларнинг тез бойиб кетиши учун шароит яратмаслиги лозим. Ўша пайтларда кўплаб хорижий инвесторлар Ўзбекистоннинг бой ресурсларидан фойдаланиб қолишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани ҳам сир эмас.

**Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети профессори, «Глобал илмий нашрлар» маркази директори (АҚШ):**

— Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятлари ва жамият фаровонлиги мамлакатда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантиришга боғлиқдир. Бундай муваффақият Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш йўлини тўғри танлаганини кўрсатади.

Президент Ислом Каримов давлат томонидан қатъий режалаштириладиган, бозор талабининг ўсишини эътиборга олмайдиган ва СССРнинг парчаланишига сабаб бўлган иқтисодий моделни инкор этди. Иккинчи томондан эса бозор иқтисодиётига аралашмаслик ва молия институтларини тартибга солишдан бутунлай четда туриш 2009 йилда жаҳонда иқтисодий инқироз юзага келишига сабаб бўлди.

Кичик ва ўрта корхоналарга асосланган «ўзбек модели» парадигмасини баҳолаш учун Ўзбекистоннинг 2009 йилда эришган иқтисодий ютуқларига назар ташлаш лозим.

Дарҳақиқат, аксарият давлатлар иқтисодий инқирозга дуч келган ўша йили Ўзбекистон иқтисодиёти 8,5 фоиз ўсди. Юқорида таъкидланганидек, ижро ҳокимиятининг ўзига хос аралашуви ҳамда банк соҳасида оқилона чора-тадбирлар кўрилгани ушбу муваффақиятга эришишга хизмат қилди.

Президент Ислом Каримов пухта ўйланган оқилона сиёсати самарасида Ўзбекистон энг яхши иқтисодий йўналишни танлашга муваффақ бўлди ва бу борада юксак натижаларга эришмоқда. Шубҳасиз, ушбу сиёсат сохта обрў орттириш ва қуруқ тарғибот учун эмас, балки реал сектор, савдо, кўп босқичли таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон халқининг фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Айни пайтда, яна бир ҳаётий муҳим асос, яъни Ўзбекистон ҳукумати аралашган соҳа — молия бозори назорат остига олинганини қайд этиб ўтиш керак. Бу эса, ҳақиқатан ҳам, эркин тадбиркорлик, кичик бизнесни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашда ўз ифодасини топмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўра билиш қобилияти Ўзбекистон иқтисодиёти эришаётган муваффақиятлар нуқтаи назаридан таҳсинга сазовор бўлиб, эркин тадбиркорлик тизимини қўллаб-қувватлашга интилаётган бошқа мамлакатлар учун ўрнак бўлишга арзийди.

**Аман АГАРВАЛ, Ҳиндистон молия институти вице-президенти (Ҳиндистон):**

— Шуниси эътиборлики, иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган «ўзбек модели» юксак самаралар бермоқда. Унинг изчил амалга оширилиши туфайли 2007 йилда бошланган глобал молиявий инқироз, шунингдек, мамлакат ҳукумати ишлаб чиқариш секторига солиқ юкини сезиларли даражада камайтирганига қарамай, мамлакатда давлат бюджети профицитига эришилди.

Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида пухта ўйланган иқтисодий сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани натижасида тўпланган улкан ресурслар эса янада жадал тараққиёт учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор юксалиб бораётгани мамлакатингизда танланган ривожланиш модели ўзининг юксак самараларини бераётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу жараёнда бюджет, молия-банк ва кредит тизими, иқтисодиёт реал сектор тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардошликни ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш каби иқтисодий йўналишларга катта эътибор қаратилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Александр ГАПОНЕНКО, Европа тадқиқотлари институти директори (Латвия):**

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатингиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, жумладан, саноат маҳсулотларига бўлган талабни ошириш, минглаб янги иш ўринларини ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Кўплаб давлатлар, хусусан, Латвияда иқтисодий кўрсаткичлар пасайиб бормоқда. Ўзбекистонда эса ишлаб чиқариш ривожланмоқда, маҳсулот экспорти ҳажми ошмоқда, хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда.

Мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланаётгани, ушбу секторга катта эътибор қаратилаётганини Ўзбекистон, чунончи, Самарқанддаги коллежлар ва ишлаб чиқариш объектлари мисолида кўрдик. Иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича изчил ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида Ўзбекистоннинг бой тажрибаси, пухта ўйланган иқтисодий сиёсати дунёнинг кўплаб давлатлари учун барқарор ривожланишда ибрат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жорий йилнинг ўтган даврида Фонд томонидан эълон қилинган 5 та грант танловида 560 та ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти институтларидан 713 лойиҳа келиб тушиб, улардан 162 таси 2,3 миллиард сўм миқдорида қўллаб-қувватланди.

— Ҳар жиҳатдан етук авлодни камолга етказиш, ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мамлакатимиз изчил тараққиётини таъминлашдаги муҳим омиллардан ҳисобланади, — дейди Парламент комиссияси масъул котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зилола Собирова. — Шу боис эълон қилинаётган грант танловларида бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтказилган танловда шу йўналишдаги 30 та ННТ ғолиб бўлгани ва уларга 408,6 миллион сўмлик маблағ ажратилгани ҳам шундан далолат бериб турибди.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳудудий дастурларини бажаришда ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш, ёш оилалар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш йўналишида эса 25 та лойиҳа ғолиб, деб топилди.

Ушбу лойиҳаларни тақдим этган ННТ вакилларига 339,3 миллион сўмлик грант сертификатлари топширилди.

— Ташкилотимиз ёш истеъдод эгаларини кашф этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўналишида фаолият олиб бормоқда, — дейди грант танлови ғолиби, “Ўзбегим ёшлари ансамбли” нодавлат нотижорат ташкилоти ходими Гўзал Аҳмедова. — Грант маблағларини бу борадаги фаолиятимизни янада кучайтиришга йўналтирамиз. Аниқроқ айтадиган бўлсак, пойтахтимиздаги мактаб ва коллежларда таълим олаётган иқтидор эгалари саралаб олиниб, улар рағбатлантирилади. Бу санъат остонасига энди қадам қўяётган ёшлар учун кўмак вазифасини ўтайди, албатта.

Анжуман доирасида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари салоҳиятини оширишга бағишланган давра суҳбати ўтказилиб, грант лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан атрофлича тушунтириш берилди. Шунингдек, ижтимоий лойиҳалар учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

# Сертификатлар топширилди

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ёшлар форуми

*Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан “Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!” шиори остида форум бўлиб ўтди.*

## Анжуман

Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари учун ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли давлат ва жамоат идоралари вакиллари, “Етакчи” ўқув маркази аъзолари, иқтидорли йигит-қизлар қатнашди.

Таъкидланганидек, юртимизда ёш авлоднинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишини таъминлаш, уларнинг иқтидорини камол топтириш, истеъдодини юзага чиқариш борасида эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилаяпти. Йигит-қизларимиз ҳам бундай юксак ғамхўрликка жавобан ҳар жабҳада илғор, фаол ва ташаббускор бўлишга, она-Ватанимиз довруғини дунёга таратишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг бундай хайрли мақсад ва режалари, хоҳиш-истакларининг рўёбга чиқишида эса “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳиссаси катта бўлаётир.

Форум доирасида ўтказилган семинар-тренингларда “Энг намунали бошланғич ташкилот” кўрик-танлови тақдимоти, етакчиларнинг билим ва тажрибаларини оширишга қаратилган тест синовлари, бошланғич ташкилотларда иш юритиш, ҳисоботни олиб бориш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Анжуман доирасида “Энг намунали бошланғич ташкилот” кўрик-танловининг вилоят босқичи ҳам ўтказилди. Унда Бекобод шаҳридаги “Ўзметкомбинат” ОАЖ бошланғич ташкилоти ғолиб, деб топилди.

**Дилором АБДУҒАФФОРОВА.**




# Шижоат ва нафосат таранними

*Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Навқирон Ўзбекистон — 2012" V республика анъанавий ва замонавий санъат фестивалининг ғолиб ҳамда совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

## "Навқирон Ўзбекистон — 2012"

Маълумки, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Ёшлар ижод саройи томонидан ташкил этилган ушбу фестиваль ёш рассомлар, ҳунармандлар, дизайнерларни қўллаб-қувватлашга қаратилган маданият соҳасидаги йирик лойиҳалардан саналади. Ҳар икки йилда бир маротаба уюштириладиган ушбу тадбир ўтган вақт мобайнида ўнлаб ёш истеъдод соҳибларини кашф этди. Бугунги кунда мазкур фестиваль иштирокчиси бўлган ёшларнинг аксарияти юртимизда қад ростлаётган муҳташам бинолар, музейлар, маданият ва санъат кошоналарини безаш, кўча ва хиёбонлар, боғларнинг ландшафт дизайнини яратиш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Қувонарлиси эса, улар халқаро миқёсда ташкил этилаётган кўрик-танлов ва кўргазмаларда ҳам мунтазам қатнашиб, эътирофларга сазовор бўлишаётир.

Бу галги фестивалда 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган 350 нафар ижодкор иштирок этди. Улар тақдим қилган рассомлик, ҳайкалтарошлик, графика, анъанавий бадиий ҳунармандчилик, ноанъанавий безакли амалий санъат, сценография, фотосанъат, видео-арт, меъморий лойиҳалар, либос дизайни сингари санъатнинг ўнлаб йўналишларидаги 2500 дан ортиқ ижодий ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

"Навқирон Ўзбекистон: анъанавий санъатга замонавий нигоҳ!" шиори остида ўтказилган мазкур фестиваль санъатимиз ривожида беқиёс аҳамиятга эгадир. Зеро, лойиҳага тақдим этилган ижод намуналарида санъатга ихлосманд ижодкор ёшларимизнинг янгича нигоҳи, муносабати ўз ифодасини топган. Фестивалда, айниқса, бадиий ҳунармандчиликнинг кулоллик, кандакорлик, каштадўзлик, ёғоч ўймакорлиги йўналишларидаги ишлар санъат шайдоларида катта қизиқиш уйғотди. Кўргазмага қўйилган асарларни томоша қиларкансиз, уларда навқирон муаллифларнинг орзу-интилишлари, ҳаётга муносабати ёшликка хос беғуборлик ва жўшқинлик билан ифодаланганига гувоҳ бўласиз.

Фестиваль доирасида санъатшунос олимлар, таниқли мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, уста ва ҳунармандлар иштирокида давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, маърифий анжуманлар ҳам ўтказилди.

— Ушбу тадбир ижодий тажриба майдони бўлиш билан бирга, замонавий санъат воситасида бадиий дидни юксалтириш, ижодкорларнинг иқтидорини намоён этиш учун катта бир имкониятдир, — дейди фестивалнинг "Санъатда анъанавий шаклларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш" номинацияси ғолиби Беҳзод Турдиев. — Кўргазмага қўйилган ҳар бир асар ижодкорнинг ўзига хос маънавий оламини очиб бера олган ва улар инсонни комиллик сари етаклаб, эзгулик, поклик ва олижанобликка даъват этади.

Тадбир якунида "Навқирон Ўзбекистон — 2012" анъанавий ва замонавий санъат фестивалининг ғолиб ҳамда совриндорларига махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**М. ХОЛМАТОВА.**

# Тиббиётимиз ютуқлари намойиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буюк Британиянинг "BTL Medical Technologies" компаниясида тайёрланадиган тиббий ташхис ускуналари, уч йилдирки, юртимиз бозорида ўз харидорларига эга.

— Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистондаги ўнлаб шифо масканларига тиббиётнинг кардиология, терапия, урология, хирургия каби йўналишларида қўлланадиган ташхис ва муолажа ускуналарини етказиб бердик, — дейди компаниянинг юртимиздаги дистрибьюторлик фирмаси менежери Андрей Захаров. — Бугун ҳам ультратовуш ташхиси ускунаси, лазертерапия, магнитотерапия жиҳозлари, қон босимини ўлчовчи монитор ҳамда эхокардиограф ускунасига қизиқиш билдираётганлар кўп. Аслида, кўргазмада иштирок этишдан мақсадимиз ҳам шу — янги мижозлар орттириш, ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш эди.

Кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан бири — "Amaly wood and chemical" МЧЖ турли хил юқумли касалликларнинг олдини олишга хизмат қиладиган дезинфекция воситаларини харидорларга таклиф қилмоқда. Хусусан, компаниянинг "Амалёк" номли янги маҳсулоти сифати ва ҳамёнбоплиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортаяпти.

— Ушбу маҳсулот соғлиқ учун зарарли ҳисобланган бактерия ва инфекцияларни йўқотишда энг самарадор гигиеник воситадир, — дейди компаниянинг савдо менежери Талъат Шералиев. — Келаси ойдан бошлаб эса "Амалёк"нинг суюқ совун ҳамда маиший тозалаш воситалари кўринишидаги бир неча хил турини ишлаб чиқармоқчимиз. Бу, ўз навбатида, корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Энг муҳими, кўргазмада иштирок этиб, бозор талабини, харидорлар эҳтиёжини янада яхшироқ ўргандик. Бу келгусидаги фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

20 сентябрга қадар давом этадиган ушбу тадбир доирасида соҳа мутахассисларининг қатор илмий-амалий анжуман ҳамда семинарлари ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган сурат.**

# Ҳулкар — халқаро танлов ғолиби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Танлов иштирокчиларидан нафақат корейс тилини тушуниш ва унда сўзлаша олиш, балки Корея Республикаси, унинг тарихи ва маданияти ҳақида ўз билимларини намойиш этиш ҳам талаб қилинади. Танловда Ҳ. Эрдонова айнан ушбу фазилатларини ёрқин намоён этди. Мамлакатимизда ўтказилган саралаш босқичида 117 нафар иштирокчи орасида ғолиб чиққан Ҳулкар Сеулда бўлиб ўтган финал босқичида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш бахтига муяссар бўлди. Якуний босқичда дунёнинг 23 давлатидан қатнашган рақибларидан устун келди.

Ҳулкарнинг айтишича, танловнинг финал босқичи ўтказилишидан бир ҳафта олдин барча иштирокчилар учун Жанубий Кореянинг турли шаҳарларига уюштирилган саёҳат давомида улар корейс халқининг анъана ва урф-одатлари, турмуш тарзи билан яқиндан танишиб, турли соҳалар бўйича қўшимча билимларга эга бўлганлар. Айниқса, у суҳбатлашган одамларнинг Ўзбекистон, буюк аждодларимиз, юртимиздаги диққатга сазовор жойлар ҳақида кўп маълумотларга эга эканликлари ва Ўзбекистоннинг катта салоҳиятини алоҳида таъкидлашгани Ҳулкарда ўчмас таассурот қолдирган.

— Бундай пайтларда Ўзбекистонимиз билан чин юракдан фахрландим ва ғалабага бўлган интилишим янада мустаҳкамланди, — дейди Ҳулкар Эрдонова.

Танловнинг финал босқичи бир неча раунддан иборат бўлиб, ҳар бир раундда энг кўп очко тўплаган иштирокчи саралаб борилди. Бош соврин учун уч номзод орасида Ҳулкар Эрдонова ҳам бор эди! Унинг бу пайтдаги ҳаяжонини тасаввур қилиш қийин эмас.

Танловда ғалаба қозониш Ҳулкарга, том маънода, шон-шуҳрат келтирди. Кореянинг "KBS" телекомпанияси халқаро интеллектуал "Кореяни билиш танлови" ҳақида туркум кўрсатувлар тайёрламоқда. Уларда ҳамюртимиз Ҳулкар Эрдонованинг муваффақиятига алоҳида эътибор қаратилади. У бундай шарафга ҳар томонлама муносибдир. Негаки, Ҳулкарнинг билим олиш ва янги чўққиларни забт этишга бўлган интилишлари рўёбга чиқди.

— Биз, ёшларнинг чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлишимиз йўлида яратиб берилаётган барча шарт-шароит учун давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдормиз, — дейди Ҳ. Эрдонова. — Бу ғалабага эришишимда Юнусобод хорижий тиллар академик лицейи ва Тошкент давлат шарқшунослик институтида менга сабоқ берган устозларимнинг ҳиссаси катта. Ниятим — келажакда ўзбек ва корейс тилларининг қиёсий лингвистикаси соҳасида юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш, илмий ишлар ёзиш, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшишдир.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Анъанавий минифутбол турнири

*Пойтахтимиздаги "Чиғатой" терма жамоалар тайёрлаш маркази стадионида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ходимлари ўртасида анъанавий минифутбол турнири бўлиб ўтди.*



## Спорт

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ўн тўртинчи бор ташкил этилган мазкур мусобақада АҚШ, Буюк Британия, Россия, Германия, Франция, Қозоғистон, Эрон каби қатор давлатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Турнирнинг очилишида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спорт, хусусан, футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани, шунингдек, дипломатлар иштирокида мунтазам ўтказиб келинаётган турли оммавий-маданий ҳамда спорт тадбирлари халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш, дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

— Биз, иштирокчилар мазкур турнирни катта қизиқиш билан кутамиз, — дейди Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдул Азиз Хорун. — Негаки, бу турнирда ўзига хос дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик муносабатлари ҳукмронлик қилади. Ниятимиз, келаси йили мазкур мусобақада қатнашиш. Насиб этса, кейинги йилги мусобақада минтақамиз мамлакатлари дипломатик ваколатхоналари вакилларидан иборат жамоа тузиб, ғалаба қозонишга ҳаракат қиламиз.

28 та дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар минифутбол жамоалари ўзаро куч синашган бу галги мусобақада Эрон Ислом Республикаси элчихонаси вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, учинчи ўрин Қозоғистон Республикаси элчихонаси жамоасига насиб этди.

**Шаҳина ЖЎРАЕВА.**


● Реклама ва эълонлар ●

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ

АУКЦИОН НАТИЖАЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

2012 йил 3 сентябрь куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 36/2-уйда жойлашган «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК Хоразм вилояти филиалига қарашли, 2001 йилда ишлаб чиқарилган «Дамас» русумли, давлат рақами — 90 552 FAA, бошланғич баҳоси — 5 208 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 6 890 000 сўмга сотилди.

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

2012 йил 5 сентябрь куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Бухоро шаҳри, Аэропорт кўчаси, 10-уйда жойлашган «Бухоро» халқаро аэропорти балансидаги 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Дамас» русумли, давлат рақами — 80 746 ВАА, бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 1 400 000 сўмга сотилди.

2012 йил 11 сентябрь куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Бухоро шаҳри, З. Имло кўчаси, 17-уйда жойлашган «Карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази» Бухоро филиали балансидаги:

1987 йилда ишлаб чиқарилган «КАВЗ-3720» русумли, давлат рақами — 80 972 GAA, бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси — 1 725 000 сўмга сотилди;

1990 йилда ишлаб чиқарилган «УАЗ-3962» русумли, давлат рақами — 80 974 GAA, бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 1 380 000 сўмга сотилди, 1988 йилда ишлаб чиқарилган «УАЗ-330301» русумли, давлат рақами — 80 976 GAA, бошланғич баҳоси — 1 250 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси — 1 500 000 сўмга сотилди.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФИЛИАЛИ**

2012 йил 17 август куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Амударё тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган: 1999 йилда ишлаб чиқарилган «Тико» русумли, давлат рақами — 95 О 472 ВА, бошланғич баҳоси — 8 550 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси — 9 832 500 сўмга сотилди, 1998 йилда ишлаб чиқарилган «Тико» русумли, давлат рақами — 22 С 1620, бошланғич баҳоси — 8 100 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси — 9 315 500 сўмга сотилди.

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

2012 йил 4 сентябрь куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Наманган тумани СИБ томонидан хатланган, «Баркамол Бобур Петрол» МЧЖда сақланаётган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган «М-412-ИЭ» русумли, давлат рақами — 16 F 9849, бошланғич баҳоси — 1 917 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси — 2 200 000 сўмга сотилди;

Косонсой тумани СИБ томонидан хатланган, Косонсой тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган: 1989 йилда ишлаб чиқарилган «МТЗ-80ХА-2103» русумли, давлат рақами — 61-29 НВ, бошланғич баҳоси — 3 128 560 сўм бўлган автотранспорт воситаси — 3 400 000 сўмга сотилди, 1989 йилда ишлаб чиқарилган «Форд» русумли, давлат рақами — 16 Q 7022, бошланғич баҳоси — 4 848 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси — 5 600 000 сўмга сотилди, 1978 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2103» русумли, давлат рақами — 16 Е 6390, бошланғич баҳоси — 2 720 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси — 3 140 000 сўмга сотилди.

1574R/870

Гувоҳнома № 004059.

## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

**БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2012 йил 14 сентябрдаги 28/5-087-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тегишли, Тошкент шаҳри Я. Ғуломов кўчаси, 66-уйда сақланаётган, «РАФ-2203» русумли, давлат рақами — 10 АО 769 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 4 919 548 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 5 октябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 3 октябрь куни соат 18.00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 5 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 12 ва 19 октябрь кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 12 октябрдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 10 октябрь куни соат 18.00; 19 октябрдаги савдолар учун 17 октябрь куни соат 18.00.

Савдо ғолиби, деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.**

1575R/1442

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**2012 йил 19 октябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:**

Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ФИБ Шаҳрисабз туманлараро судининг 2012 йил 12 июндаги №1-1399-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз тумани СИБ биносида сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган «Дамас-2» русумли, давлат рақами — 70 Y 829 АА, оқ рангли, бошланғич баҳоси — 15 500 000 сўм;

Косон тумани СИБ томонидан ЖИБ Шаҳрисабз тумани судининг 2011 йил 14 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Косон тумани, Нартибалант маҳалласида сақланаётган, 1974 йилда ишлаб чиқарилган «Зил-130» русумли, давлат рақами — 18 Е 0620, бошланғич баҳоси — 3 747 000 сўм;

Ғузор тумани СИБ томонидан Ғузор тумани ИИБнинг 2012 йил 17 апрелдаги қарорига асосан хатланган, Ғузор тумани, Тугал қишлоғида, М. Раҳимованинг жавобгарлигида сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-21074» русумли, бошланғич баҳоси — 8 217 000 сўм;

Ғузор тумани СИБ томонидан ЖИБ Қамаши тумани судининг 2012 йил 22 июндаги ҳукмига асосан хатланган, Ғузор тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдонида сақланаётган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган «Тико» русумли, бошланғич баҳоси — 10 000 000 сўм;

Ғузор тумани СИБ томонидан Ғузор тумани ИИБнинг 2012 йил 17 апрелдаги қарорига асосан хатланган, Ғузор тумани ИИБда сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган «Газ 310239-0010» русумли, бошланғич баҳоси — 2 204 900 сўм;

Қарши шаҳар СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2006 йил 12 июндаги 18-0604/4592-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ОАТБ «Микрокредитбанк»нинг «Янги Нишон» филиалида сақланаётган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат рақами — 70 К 580 АА, бошланғич баҳоси — 24 250 000 сўм;

Қарши тумани СИБ томонидан Қарши туманлараро судининг 2012 йил 6 июлдаги №1-2701/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия ГВА СНГ» русумли, давлат рақами — 70 D 268 СА, бошланғич баҳоси — 36 000 000 сўм,

Қарши шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2011 йил 11 июлдаги № 2-57-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳар 64505-сонли ҳарбий қисм техник назорат пунктида сақланаётган:

2005 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат рақами — 70 G 606 АА, бошланғич баҳоси — 16 000 000 сўм;

2009 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия-Шевролет» русумли, давлат рақами — 70 К 846 ВА, бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм;

2010 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия-Шевролет» русумли, давлат рақами — 01 287 DBA, бошланғич баҳоси — 22 000 000 сўм;

1986 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2107» русумли, давлат рақами — 18 U 3808, бошланғич баҳоси — 6 000 000 сўм.

Ушбу савдо кунида сотилмай қолган транспорт воситалари бўйича такрорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 6 ва 21 ноябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 43-уйда ўтказилади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда, соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганларидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Қашқадарё филиалининг ХОАТБ «Ҳамкорбанк»даги ҳисоб рақамига: 20208000404932168001, МФО: 01031, СТИР: 302083379 тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

1572R/870

**Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 43-уй. Телефон: (+99895) 505-55-34. Факс: 223-09-83.**

Гувоҳнома № 004059.


"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти жамоаси нашриёт Бош рассоми Асомиддин Бурхоновга волидаи муҳтарамаси

**ЛАЗОКАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси раҳбарияти савдо фахрийси

**Эркин Усмонович ЙЎЛДОШЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.45 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5